

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**РЕСПУБЛИКА СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА ИЛМИЙ АМАЛИЙ
МАРКАЗИ**

СЕЙФУЛЛАЕВА ГУЛНАРА АДИБЕКОВНА

**АКУШЕРЛИК АМАЛИЁТИДА ҚОН КЕТИШ ҲОЛАТЛАРИДА
ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШ**

**14.00.24. – Суд тиббиёти
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Сейфуллаева Гулнара Адилбековна

Акушерлик амалиётида қон кетиш

олатларида тиббий ёрдам кўрсатишни

суд-тиббий баҳолаш..... 3

Сейфуллаева Гулнара Адилбековна

Судебно-медицинская оценка дефектов

оказания медицинской помощи при

кровотечениях в акушерской практике..... 25

Seyfullaeva Gulnara Adilbekovna

Forensic medical assessment of defects

in the provision of medical care

for bleeding in obstetric practice..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**РЕСПУБЛИКА СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА ИЛМИЙ АМАЛИЙ
МАРКАЗИ**

СЕЙФУЛЛАЕВА ГУЛНАРА АДИБЕКОВНА

**АКУШЕРЛИК АМАЛИЁТИДА ҚОН КЕТИШ ҲОЛАТЛАРИДА
ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШ**

**14.00.24. – Суд тиббиёти
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2880 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий марказида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyo.Net» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хван Олег Иннокентиевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Каримова Феруза Джавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гиясов Зайнитдин Асамутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Умарова Наргиза Мирзаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/31.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ да куни тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда акушерлик қон кетиши ҳомиладорлик вақтида ва туғруқ жараёнида ҳаёт учун хавfli асоратлар таркибида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди ва оналар ўлимини камайтириш усуллари орасида уларнинг олдини олиш устувор аҳамиятга эга. 20-25% ҳолларда қон кетиш оналар ўлимининг бевосита сабаби бўлиб, 78% да фон жараён сифатида юзага чиқади. Оналар ўлимининг 70-80 % тиббиёт ходимларининг олдини олиш мумкин бўлган ҳаракатлари туфайли содир бўлади деган фикрлар мавжуд, яъни, асосан ятрогениядир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра «...2017 йилда дунё бўйлаб туғруқ вақтида ва туғруқдан кейинги даврда 40 мингдан ортиқ аёл акушерлик қон кетишидан вафот этган...»¹. Акушерлик қон кетишда (АҚК) оналар ўлимининг юқори даражаси тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифатини пастлиги ва оналар ўлимини камайтириш учун резерв мавжудлигини кўрсатади. АҚК дунё бўйлаб оналар ўлимининг муҳим сабаби бўлиб қолмоқда. АҚК тизимида ҳомиладорлик даврида ва туғруқ жараёнида нохуш оқибатга олиб келган туғруқдан кейинги қон кетиш муҳим ўрин тутаяди. АҚК оғир-критик ҳолатнинг сабаби бўлиб, қоида тариқасида, акушерлик тиббий ёрдам кўрсатишда даволашни нотўғри танланиши натижасида кўп қон йўқотилиши ва гемостатик тизимда бузилишларнинг ривожланиши билан юзага келади. Шу муносабат билан тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини тегишли стандарт асосида тиббий ёрдам кўрсатиш учун клиник, эксперт ва ҳуқуқий мезонлар тўплами яратиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда акушерлик амалиётидаги нуқсонларни таҳлил қилиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада тиббий ёрдам кўрсатишнинг тўғри ёки нотўғри кўрсатилишининг клиник, эксперт ва ҳуқуқий мезонларини баҳолаш орқали тиббий ёрдам даражасини батафсилроқ назорат қилиш, ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнида ҳаёт учун хавfli асоратлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайдиган акушерлик қон кетиши ва оналар ўлимини олдини олиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш каби ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини клиник баҳолаш ва тиббий амалиётдаги камчиликларни ҳуқуқий таҳлил қилиш, акушер-гинекологлар жавобгарликка тортилиш хавфи юқорилиги сифатида ажратилган гуруҳларда тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни таҳлил қилишни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, тиббий ёрдам сифатини баҳолаш, тиббий хизмат кўрсатишдаги камчиликларни аниқлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу

¹ WHO recommendation on tranexamic acid for the treatment of postpartum haemorrhage. — Geneva: World Health Organization. — 2017. — Licence: CC BY-NC-SA 3.0 IGO.

борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш каби ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини клиник баҳолаш ва тиббий амалиётдаги камчиликларни ҳуқуқий таҳлил қилиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 28-ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тиббиёт ходимларининг касбий мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги билан боғлиқ нохуш ҳодисаларни ҳал қилиш жуда мураккаб вазифадир, чунки ҳар хил турдаги текширувларни ўтказишда комплекс ёндашув, ягона умумий қабул қилинган терминология ва мутахассислар томонидан бир хил натижага эга бўлган бир хил хатти-ҳаракатларни турли хил талқин қилишлар мавжуд (Томилин В.В., Соседко Ю.И., 2000). Тиббиёт ходимларининг ҳаракатларига экспертлик-ҳуқуқий баҳо бериш муаммоси хорижий давлатларда ҳам долзарбдир. Шундай қилиб, АҚШ амалиётчиларининг миллий маълумотлар банки томонидан тақдим этилган натижаларга кўра, қоникарли даъволарнинг 25% ида кўрсатилган ёрдам умумий қабул қилинган стандартларга жавоб беради ва қондирилмаган даъволарнинг 30% ида тиббий ёрдам кўрсатишда жиддий камчиликлар аниқланган (Metter E.J., Granvil R.L., Kussman M.G., 1997). Соғлиқни сақлашнинг она

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ва бола саломатлиги каби ижтимоий аҳамиятга эга соҳасида тиббий амалиётдаги камчиликларни ҳуқуқий таҳлил қилиш ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини клиник баҳолаш комбинацияси бир нечта илмий ишлардагина келтирилган (Сергеев Ю.Д., 1988; Биховская О.А., 2002; Терентиева Ж.Б., 2003; Чернуха Н.А., Шапкина Н.Б., Мальцев С.В., 2003). Шу билан бирга, алоҳида тиббий ихтисосликлар бўйича, айниқса, жавобгарликка тортилиш хавфи юқори бўлганлар сифатида ажратилган гуруҳлардаги акушер-гинекологларни тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни таҳлил қилишни такомиллаштириш керак (Томилин В.В., Соседко Ю.И., 2000; Биховская О.А. 2002; Терентиева Л.В., 2003), шунингдек, шифокор иштирокидаги тиббий-ҳуқуқий низолар ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар етишмаслигини тўлдириш керак (Сергеев Ю.Д., Эрофеев С.В., 2001).

Ўзбекистонда комиссия суд-тиббий экспертизада тиббий ёрдам кўрсатишдаги камчиликлар ва касбий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳолатларини баҳолаш масалалари (З.А.Гиясов, 2006), акушер-гинекологлар фаолиятидаги касбий ҳуқуқбузарликлари (З.Б.Холматов, 2005), санитария-гигиена ва эпидемиология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг олдини олиш масалалари бўйича (Л.Н.Урумбоева, 1999) қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ, илмий манбалардан олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Республикада суд-тиббий амалиётида тиббий ёрдам кўрсатишдаги камчиликларни аниқлаш ва баҳолаш, тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларнинг табиати, келиб чиқиш сабаблари ва ҳолатларини аниқлаш, комиссия суд-тиббий экспертизаларини ташкил этишни такомиллаштириш ва тиббий ходимларининг касбий ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш учун замонавий алгоритмлар мавжуд эмас.

Юқорида келтирилганлар барчаси акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни объектив мезонлар бўйича баҳолаш, тиббий ходимларининг касбий ҳуқуқбузарликлари юзасидан ўтказиладиган комиссия суд-тиббий экспертизасини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилотининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишдаги камчиликларни суд-тиббий баҳолаш» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни объектив мезонлар бўйича баҳолаш, тиббий ходимларининг касбий ҳуқуқбузарликлари юзасидан ўтказиладиган комиссия суд-тиббий экспертизасини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

акушерлик қон кетишида стационаргача бўлган босқичда тиббий

ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларнинг моҳияти ва сабабларини баҳолаш;

туғруқдан кейинги қон кетишининг клиник маълумотларини ўрганиш ва акушерлик қон кетишининг асосий сабабларини аниқлаш;

акушерлик қон кетиши ҳолатларида шифохона босқичида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларнинг моҳияти ва сабабларини баҳолаш;

тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлар сабабларининг оқибатга таъсирини баҳолаш;

олинган барча маълумотларга асосланиб, акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишни суд-тиббий баҳолаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ноҳуш оқибатлар бўйича комиссия суд-тиббий экспертизасининг 139 та хулосалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар амбулатор картаси, ҳомиладор аёлларнинг индивидуал картаси (ф-111\у), туғруқлар тарихи (ф-096\у), реанимация бўлимларида даволаш варақаси, янги туғилган чақалоқларнинг ривожланиш тарихи, патологоанатомик текширув далолатномалари, хизмат текширувлари ва клиник-анатомик конференциялар протоколлари, мурдаларни текшириш хулосалари, терговга қадар текшириш материаллари ва комиссия суд тиббий экспертиза текширув хулосалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни объектив мезонлар бўйича баҳолаш учун клиник, морфологик, клиник-лаборатор, инструментал, тавсифловчи, қиёсий, аналитик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шифохона босқичидаги муассасаларда туғруқ тактикасидаги, жарроҳлик даволаш ва диагностикасидаги нуқсонлар, шифохонадан олдинги босқичида эса ҳомиладорликнинг кеч рўйхатга олинishi, лаборатор ва инструментал текширувлар тўлиқ эмаслиги, хавф омилларини баҳоламаслик ва кеч касалхонага ётқизиш нуқсонлари устунлик қилиши аниқланган;

акушерлик қон кетиши ҳолатларида кўрсатилган тиббий ёрдам нуқсонларининг оқибатга таъсир қилиш даражаси 62,3% ида оқибатга салмоқли таъсир кўрсатган ва ўлим юзага келишига мойиллик яратган, 9,1% ида – ўлимга олиб келган, 2,9% ида кўрсатилган тиббий ёрдам ногиронликка олиб келган ва 1,1% ида – даволаш муддатини узайтирганлиги аниқланган;

акушерлик қон кетиши ҳолатларида суд-тиббий экспертиза ўтказиш жараёнида профилактика, диагностика ва даволаш босқичларида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни тизимлаштиришга имкон берадиган суд-тиббий мезонлари ишлаб чиқилган;

суд-тиббий мезонлари асосида акушерлик қон кетиши ҳолатларида тиббий ёрдам кўрсатишда нуқсонлар мавжудлигини, табиатини, моҳиятини, уларнинг сабабларини ва нуқсонларнинг оқибатга таъсир даражасини аниқлаш учун тиббий ёрдам кўрсатишни суд-тиббий баҳолаш

алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

акушерлик қон кетиши ҳолатларида комиссия суд-тиббий экспертиза ўтказишда тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларнинг суд-тиббий мезонлари таклиф этилган;

тиббиёт ходимлари ҳаракатларига боғлиқ, хусусан, акушер-гинекологларга нисбатан ўтказилган комиссия суд-тиббий экспертизаларида экспертларнинг ҳаракатига, эксперт комиссиялари ишининг ҳолислигини ошириш ва оптималлаштириш учун алгоритмининг такомиллаштирилган тартиби таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган тавсифловчи, қиёсий, аналитик ва статистик тадқиқот усуллари асосида акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни объектив мезонлар бўйича баҳолашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти комиссия суд-тиббий экспертиза хулосаларини ўрганиш натижасида ҳомиладор аёлларни назорат қилишнинг турли босқичларида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлар аниқланлиги, бу эса шифохонагача бўлган ва шифохона босқичида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни тизимлаштиришга ва уларнинг акушерлик қон кетишининг ривожланишига таъсирини баҳолаш, эксперт хатоларини камайтириш ва сабаб-оқибат муносабатларини тўғри аниқлаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти акушерлик қон кетишида комиссия суд-тиббий экспертиза ўтказишда тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни ишлаб чиқилган суд-тиббий мезонлари бўйича ҳомиладор аёллар билан ишлашни шифохонагача бўлган босқичида, шунингдек шифохона босқичидаги камчиликларни ҳар томонлама таҳлил қилишга ёрдам берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Акушерлик амалиётида қон кетиш ҳолатларида тиббий ёрдам кўрсатишни суд-тиббий баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: шифохона босқичидаги муассасаларда туғруқ тактикаси, жарроҳлик даволаш ва диагностикадаги нуқсонлар, шифохонадан олдинги босқичда эса ҳомиладорликнинг кеч рўйхатга олиниши, лаборатор ва инструментал текширувлар тўлиқ эмаслиги, хавф омилларини баҳоламаслик ва кеч касалхонага ётқизиш нуқсонлари устунлик қилиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Республика суд-

тиббий экспертиза илмий-амалий маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 3 апрелда 8н-р/2-сон билан тасдиқланган «Акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни аниқлаш тартиби» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Қорақалпоғистон филиали бўйича 04.03.2024 йилдаги 01-03/223-сон, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Фарғона филиали бўйича 29.02.2024 йилдаги 19-К-сон ҳамда Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Сурхондарё филиали бўйича 01.03.2024 йилдаги 09-Т-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 июндаги 01/04-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган усулдан фойдаланиш тиббий хизматларнинг турли босқичлари ва даражаларида акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни суд-тиббий баҳолашда эксперт хулосалари сифатини оширишга имкон берган, уларнинг ишончилиги, асослилиги ва объективлигини таъминлаган. *Иқтисодий самардолиги:* мазкур ҳолатни экспертизаси учун сарфланадиган асосий гуруҳда 1100800 сўм ва таққослаш гуруҳда 1224000 сўм бюджет маблағларни тиббий хизматнинг турли босқичлари ва даражаларида акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни суд-тиббий баҳолашнинг тавсия этилган усулидан фойдаланиш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: акушерлик қон кетиши ҳолатларида кўрсатилган тиббий ёрдам нуқсонларининг оқибатга таъсир қилиш даражаси 62,3% ида оқибатга салмоқли таъсир кўрсатган ва ўлим юзага келишига мойиллик яратган, 9,1% ида – ўлимга олиб келган, 2,9% ида кўрсатилган тиббий ёрдам ногиронликка олиб келган ва 1,1% ида – даволаш муддатини узайтирганлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 3 апрелда 8н-р/2-сон билан тасдиқланган «Акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни аниқлаш тартиби» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Қорақалпоғистон филиали бўйича 04.03.2024 йилдаги 01-03/223-сон, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Фарғона филиали бўйича 29.02.2024 йилдаги 19-К-сон ҳамда Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Сурхондарё филиали бўйича 01.03.2024 йилдаги 09-Т-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 июндаги 01/04-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган усулдан фойдаланиш тиббий хизматларнинг турли босқичлари ва даражаларида акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни суд-тиббий баҳолашда эксперт хулосалари сифатини оширишга имкон берган,

уларнинг ишончлилиги, асослилиги ва объективлигини таъминлаган. *Иқтисодий самардолиги:* мазкур ҳолатни экспертизаси учун сарфланадиган асосий гуруҳда 1100800 сўм ва таққослаш гуруҳда 1224000 сўм бюджет маблағларни тиббий хизматнинг турли босқичлари ва даражаларида акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни суд-тиббий баҳолашнинг тавсия этилган усулидан фойдаланиш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: акушерлик қон кетиши ҳолатларида суд-тиббий экспертиза ўтказиш жараёнида профилактика, диагностика ва даволаш босқичларида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни тизимлаштиришга имкон берадиган суд-тиббий мезонлари ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 3 апрелда 8н-р/2-сон билан тасдиқланган «Акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни аниқлаш тартиби» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Қорақалпоғистон филиали бўйича 04.03.2024 йилдаги 01-03/223-сон, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Фарғона филиали бўйича 29.02.2024 йилдаги 19-К-сон ҳамда Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Сурхондарё филиали бўйича 01.03.2024 йилдаги 09-Т-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 июндаги 01/04-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган усулдан фойдаланиш тиббий хизматларнинг турли босқичлари ва даражаларида акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни суд-тиббий баҳолашда эксперт хулосалари сифатини оширишга имкон берган, уларнинг ишончлилиги, асослилиги ва объективлигини таъминлаган. *Иқтисодий самардолиги:* мазкур ҳолатни экспертизаси учун сарфланадиган асосий гуруҳда 1100800 сўм ва таққослаш гуруҳда 1224000 сўм бюджет маблағларни тиббий хизматнинг турли босқичлари ва даражаларида акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни суд-тиббий баҳолашнинг тавсия этилган усулидан фойдаланиш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: суд-тиббий мезонлари асосида акушерлик қон кетиши ҳолатларида тиббий ёрдам кўрсатишда нуқсонлар мавжудлигини, табиатини, моҳиятини, уларнинг сабабларини ва нуқсонларнинг оқибатга таъсир даражасини аниқлаш учун тиббий ёрдам кўрсатишни суд-тиббий баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 3 апрелда 8н-р/2-сон билан тасдиқланган «Акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни аниқлаш тартиби» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Қорақалпоғистон филиали бўйича

04.03.2024 йилдаги 01-03/223-сон, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Фарғона филиали бўйича 29.02.2024 йилдаги 19-К-сон ҳамда Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Сурхондарё филиали бўйича 01.03.2024 йилдаги 09-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 июндаги 01/04-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган усулдан фойдаланиш тиббий хизматларнинг турли босқичлари ва даражаларида акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни суд-тиббий баҳолашда эксперт хулосалари сифатини оширишга имкон берган, уларнинг ишончилиги, асослилиги ва объективлигини таъминлаган. *Иқтисодий самардолиги:* мазкур ҳолатни экспертизаси учун сарфланадиган асосий гуруҳда 1100800 сўм ва таққослаш гуруҳда 1224000 сўм бюджет маблағларни тиббий хизматнинг турли босқичлари ва даражаларида акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни суд-тиббий баҳолашнинг тавсия этилган усулидан фойдаланиш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш тадқиқотнинг долзарблиги ва муҳимлигини, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини асослайди, тадқиқот объекти ва предметини тавсифлайди, тадқиқотнинг республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлигини кўрсатади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини баён қилади, тадқиқотнинг ишончилигини асослайди, олинган натижалар ва уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб беради, тадқиқот натижаларининг бажарилиши, нашр этилган иш ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумот беради.

Диссертациянинг «**Акушерлик қон кетиши бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш муаммосининг хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида ушбу мавзу бўйича илмий манбалар таҳлил қилинган. Унда ушбу масала бўйича турли соҳалардаги мутахассисларнинг тадқиқот маълумотлари мавжуд. Акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини

ўрганишда турли хил ёндашувларнинг мавжудлиги, шунингдек камчиликларни белгилаш бўйича фикрлаш йўқлиги таъкидланган. Адабиётларни таҳлил қилиш ушбу тадқиқотни ўтказиш зарурлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «Клиник материалнинг умумий таснифи ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган методология ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот учун материаллар 2017-2022 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси вилоятларида акушер-гинеколог мутахассисларига нисбатан жавобгарликка тортиш билан боғлиқ бўлган жинсий ишлар ўтказилган КСТЭ ҳолатлари бўлди.

Ўрганилаётган даврда Ўзбекистон Республикаси суд-тиббий экспертиза муассасаларида тиббиёт ходимлари томонидан содир этилган касб ҳуқуқбузарликлар бўйича 12548 та комиссия суд-тиббий экспертиза ўтказилган бўлиб, шундан 1659 таси акушер-гинекологларга тегишли ва бу 13,2% ни ташкил этди. Акушер-гинекологлар томонидан ҳуқуқбузарликлар бўйича ўтказилган барча экспертизалардан ҳомиладор аёллар орасида 435 та ҳолат қайд этилди. Бу 26,2%ни ташкил этди.

Мазкур тадқиқотга Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий марказининг ҳудудий филиалларида ўтказилган 197 та КСТЭнинг 139 таси РСТЭИАМнинг мураккаб экспертизалар бўлимида қайта ўтказилган. Шундан 12 ҳолатларда тадқиқот ўтказишда иштирок этдим. РСТЭИАМ мураккаб экспертизалар бўлимининг давлат суд-тиббий экспертлари томонидан 2017-2022-йилларда комиссия суд-тиббий экспертизалари ўтказилди. Ушбу экспертизалар суд-тиббиёт экспертиза ва текширувларини ўтказиш стандартлари (ЎзР ССВнинг 2015-йил 4-мартдаги 82-сон буйруғи) талабларига мувофиқ ўтказилди.

Вилоятлар бўйича оналар ўлимининг энг юқори кўрсаткичи Қорақалпоғистон Республикасида 36,6% қайд этилган бўлса, Самарқанд 20,86%, Хоразм 7,91%, Фарғона 6,47%, Тошкент вилояти 5,76%, Навоий 5,04%, Сирдарё 4,32%, Сурхондарё ва Бухоро 2,88%, Жиззах 2,16%, Андижон, Қашқадарё Тошкент шаҳарларида 1,44% қайд қилинган.

Аёлларнинг ўртача ёши $29,1 \pm 12,5$ ёшни ташкил этди. Бу факт ҳомиладор аёлларнинг ёш тарқалишининг ноҳуш динамикасини кўрсатади, шунинг учун ҳужжатлар таҳлилига кўра, ҳомиладорлик ва туғиш 3,6% аёлларнинг 40 ёшдан ошгани қайд этилган. Ёш кўрсаткичи биринчи туғувчи аёллар контингенти орасида бу кўрсаткич 1,4% ни ташкил этди.

Гистерэктомия 85 нафар ҳомиладор аёллар орасида, 84 та ҳолатда экстрагенитал касалликлари мавжуд бўлиб, бу 98,8% ни ташкил этди. 1 та ҳолатда 17 ёшли ҳомиладор аёлга гистерэктомия ўтказилди, унинг туғруқ фаолияти уйда содир бўлган. Шифохонага ётқизилганидан кейин ўткир қон кетиши туфайли оғир ҳолат юзага келиб, бачадонни шошилиш равишида олиб ташлашни талаб қилган, аммо ҳаёт учун хавф туғдирадиган қайтариб бўлмайдиган ҳолатнинг ривожланиши туфайли беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлмаган.

Материални таҳлил қилиш бир вақтнинг ўзида Соғлиқни сақлаш вазирлиги меъёрий ҳужжатларини ўрганиш билан амалга оширилди: маълумот хатлари, йўриқномалар, клиник баённомалар, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари, тиббий ёрдам айрим турларни ташкил этиш ва

технологияси, даволаш ва профилактика муассасаларида тиббий ва тиббий-иқтисодий стандартлар бўйича кўрсатмаларни жорий этиш.

Тадқиқотда анамнестик, клиник, инструментал, клиник ва лаборатор, тавсифловчи-морфологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилади.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2016 дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов беришдан ўтказилди, шу жумладан ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Шифохонадан олдинги босқичда акушерлик амалиётида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлар**» деб номланган учинчи бобда шифохонагача бўлган босқичда ТЁНларни текшириш жараёнида аниқланган нуқсонларнинг моҳияти ва сабаблари таҳлил қилинади. 125 та ҳолатдан 69 тасида (55,2%) ҳомиладорлик ҳисобига эрта рўйхатга олиш аниқланган, 51 (40,8%) тасида ҳомиладорлик кеч даврида рўйхатга олиш қайд этилган.

Ҳомиладорлик учун рўйхатга олинган ҳомиладор аёлларнинг 94,4% ида соматик патология аниқланган. Ҳомиладорлик ва туғруқ даврида аёлларнинг соматик касалликлари таҳлилига кўра 125 нафар аёлдан 361 та экстрагенитал ва генитал касалликлар аниқланган бўлиб, ҳар бир аёлга 2 ёки 3та соматик касаллик тўғри келади.

Рўйхатга олинган ҳомиладор аёлларни текшириш режасида ўтказилган лаборатор скринингидаги камчиликлар, кўплаб хатолар ва лаборатор маълумотларининг шарҳлашнинг етишмаслиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Шифохонагача бўлган босқичда тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлар

Касалхонагача бўлган босқич	ТЁН сони	
	n	%
Ихтисослашган тор соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда ҳомиладор аёлда ўтказилган дастлабки текширувнинг йўқлиги ёки қисман бўлиши	17	10,3
Бутун ҳомиладорлик даври давомида малакали антенатал ёрдамнинг йўқлиги ёки тўлиқ таъминланмаганлиги (камида 7 марта)	80	48,5
Ҳомиладорлик даврида юзага келадиган асоратларини аниқламаслик ва шошилиш ёрдам кўрсатмаслик, соматик касалликларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун шифохонага ётқизиш учун йўлланманинг йўқлиги	6	3,6
Ҳомиладорликнинг 16-20 ҳафталигида скрининг текширувига йўлланманинг йўқлиги	4	2,4
Ҳомиладорликнинг асоратларини олдини олиш учун профилактика чораларининг етишмаслиги	26	15,8
Ҳомиладор аёллар учун ҳомиладорликнинг кечиши ва унинг асоратлари бўйича маслаҳатларнинг етишмаслиги	25	15,2
Туғруқ жойини танлаш (ТТБ/ШТБ) ва тиббий ёрдамни ҳудудийлаштириш тамойиллари (перинатал марказлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда) эътиборга олинмаганлиги	7	4,2
ЖАМИ	165	100,0

ССВнинг «Бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасаларида ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва антенатал парваришни ташкил этиш ва таъминлаш тўғрисида»ги 137-сонли буйруғи талабларига роия қилмаслик, яъни ҳомиладорлик даврида малакали антенатал ёрдам тўлиқ ҳажмда ёки умуман кўрсатилмаётганлиги ТЁН орасида 48,5% ни ташкил қилди. Амбулатор шароитида акушерлик қон кетишининг ривожланиши учун хавф омиллари ҳисобга олинмаган, беморларнинг кўпчилигида ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида даволаш мумкин бўлган патологиялар мавжуд эди, 118 (94,4%) ҳолатда қон касалликлари (ўртача ва оғир камқонлик) аниқланган, сурункали жигар касалликлари 9,6% ида; қон томир тизими касалликлари 12,8%, преэклампсия 39,2% қайд қилинган. Бироқ, бирон-бир касаллик тарихида юзага келиши мумкин бўлган хавфлар ҳақида ҳеч қандай ёзув топилмади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг таҳлили 2-жадвалда келтирилган амбулатор-поликлиника босқичида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларнинг хусусиятини аниқлаш имконини берди.

2-жадвал

Шифохонагача бўлган босқичда акушерлик қон кетиши бўлган аёлларда тиббий ёрдам нуқсонларининг моҳияти

Нуқсон моҳияти	ТЁН сони	
	n	%
Ташхислаш нуқсонлар		
01 – Акушерлик ва гинекологик патологияни аниқламаслик	19	11,5
02 – Экстрагенитал касалликларни аниқламаслик	5	3,0
03 – Кеч ташхис қўйиш	16	9,7
Даволашдаги нуқсонлар		
04 – Кеч шифохонага ётқизиш	6	3,6
05 – Дори воситаларини нотўғри қўллаш	34	20,6
Бошқалар		
06 – Диспансер кузатувидаги камчиликлар	6	3,6
07 – Тиббий ҳужжатларни юритишдаги камчиликлар	77	46,7
08 – Транспортировка қодаларини бузиш	2	1,2
Жами	165	100,0

Шифохонагача бўлган босқичда ТЁН ташхисот 11,5% ҳолларда аниқланган, улар орасида акушерлик ва гинекологик патологияни аниқламаслик энг кўп учрайди, 9,7% ҳолатларда кеч ташхис қўйилган.

Даволаш моҳияти бўйича ТЁН 3,6% ҳолларда ҳомиладор аёлларни туғруқ фаолияти бўйича юқори турувчи муассасага кеч ётқизиш аниқланган. 20,6% ҳолларда дори-дармонлар билан даволаш нуқсонларни қайд этдик.

Бошқа ТЁН ҳолатлари қаторида 46,7% ҳолатда тиббий ҳужжатларни юритишда камчиликлар аниқланган.

Шифохонагача бўлган босқичда ТЁН сабаблари орасида 36,3% ҳолларда (257 тадан 93 тасида) субъектив сабаблар аниқланган, бу 1,6% ҳолларда тиббиёт ходимларининг малакаси етарли эмаслиги, 18,7% ҳолларда ҳомиладор аёлга эътиборсизлик, 16,0% ҳолларда - тўлиқ текширувдан ўтказилмаганлиги билан тавсифланган (3-жадвалга қаранг).

Ташкилий нуқсонлар 30,3% ҳолларда зарур ташхислаш воситаларининг етишмаслиги кузатилган.

3-жадвал

Шифохонагача бўлган даврда акушерлик қон кетиши бўлган аёлларда тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларнинг сабаблари

ТЁН сабаблари	ТЁН сони	
	n	%
I. Субъектив сабаблар		
01 – тиббиёт ходимининг малакаси етарли эмаслиги	4	1,6
02 – ҳомиладор аёлга эътиборсизлик	48	18,7
03 - тўлиқ текширувлардан ўтказилмаган	41	16,0
II. Ташкилий камчиликлар		
04 – даволаш жараёнини ташкил этишдаги камчиликлар	35	13,6
05 – зарур диагностика воситаларининг етишмаслиги	35	13,6
07 – даволашда изчилликнинг йўқлиги	8	3,1
III. Объектив сабаблар		
08 – кеч мурожаат қилиши	51	19,8
09 – тиббий ёрдам кўрсатишдаги объектив қийинчиликлар	35	13,6
ЖАМИ	257	100,0

33,4% ҳолларда объектив сабаблар аниқланган бўлса, атиги 13,6% ҳолларда тиббий ёрдам кўрсатишда объектив қийинчиликлар қайд этилган, 19,8% ҳолларда ҳомиладор аёлларнинг кеч мурожаат қилишлари қайд этилган.

Шифохонагача бўлган босқичда тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларнинг асосий субъектив сабаблари ҳомиладор аёлларни рўйхатга олиш пайтида эътиборсизлик киради.

Диссертациянинг «**Шифохона босқичида акушерлик амалиётида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонлар**» деб номланган тўртинчи бобида камчиликларнинг пайдо бўлишида муҳим бўлган омиллар ўрганилган. Таҳлилда акушерлик қон кетиши юз берган 130 нафар ҳомиладор аёллар орасида ўтказилди. Барча ҳомиладор аёлларнинг 61,5% (130 дан 80 нафари) ТТБда, 18,5% (130 дан 24 нафари) ВПМга, 17,6% (130 дан 23 нафари) ШТБ, ШТК, ва 0,77% (130 тадан 1 таси) хусусий шифохонага, 0,77% (130 тадан 1 таси) Навоий тоғ-қон металлургия комбинати тиббий санитария қисмига мурожаат қилган, 0,77% (130 нафардан 1 нафари) ҳомиладор аёл тиббий муассасага кеч мурожаати сабабли РПМ мурда ҳолида олиб келинган.

Шифохонага мурожаат қилганидан кейин ушбу ҳомиладорликнинг кечиши, асоратлари ва ҳомиладорлик муддатини ўрганиш тадқиқот учун алоҳида қизиқиш уйғотди. Ҳомиладорликнинг 36 ҳафталигига қадар 46 (35,8%) та ҳомиладор аёллар ётқизилган, ҳомиладорликнинг тўлиқ (37-42 ҳафта) муддатда 84 (64,2%) та аёлларда қон кетиш ривожланган.

Генератив фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, аёлларда биринчи ҳомиладорлик 35,8% (130 нафардан 46 нафари), қайта ҳомиладор аммо туғруқ биринчиси бўлган аёллар эса 39,2% (130 дан 51 таси), бу ҳомиладорларнинг оғир акушерлик тарихини ва репродуктив йўқотишларнинг юқори даражасини кўрсатади. Иккинчи туғруқ 31,5% (130 нафардан 41 нафари); учинчиси 17,7% (130 нафардан 23 нафари); тўртинчи - 10,8% (130 нафардан 14 нафари), бешинчи - 0,77% (130 нафардан 1 нафари)

ташқил қилди.

Туғруқ пайтида пайдо бўлган акушерлик қон кетиши таркибида нормал жойлашган йўлдошнинг барвақт кўчиши (НЖЙБК) 34 нафарни (26,2%) ташқил этди. Тадқиқотга киритилган 130 нафар ҳомиладор аёлдан 3 нафаридан (2,3%) йўлдошнинг жойлашуви ҳолати кузатилган.

Туғруқдан кейинги қон кетишининг сабаблари бўйича биринчи ўринда, гипо-атоник қон кетиш қайд этилган, уларнинг даражаси 51 (39,2%) ташқил қилди.

Туғруқдан кейинги қон кетишининг сабаблари орасида акушерлик шикастланишининг сабаблари иккинчи ўринга чиқди. Оналар ўлимига олиб келадиган бачадон ва туғруқ йўлининг ёрилиши 33 (25,4%) ни ташқил этди.

Туғруқдан кейинги қон кетишда йўлдош «тўқималари» қолиб кетиши туфайли 8 (6,2%) ҳолати аниқланди.

Гемостаз патологияси туфайли 16 та ҳолатда (12,3%) тарқалган томир ичи қон ивишининг бузилиши ривожланган.

Жарроҳлик амалиёт орқали туғруқни баҳолаш 84 та ҳолатда ўтказилди, бу 64,6% ни ташқил этди. Жарроҳлик учун кўрсатмалар 24 (28,6%) да НЖЙБК, 3 (3,6%) да йўлдошнинг жойлашуви, 28 (33,3%) да HELLP синдроми билан боғлиқ оғир преэклампсия, 23 (27,3%) да бачадон ёрилиши хавфи ташқил қилди.

Тадқиқотларга киритилган қон кетиши бўлган барча ҳомиладор аёллар орасида ўлим 130 нафаридан 112 (86,2%) ҳолатда кузатилди.

Акушерлик қон кетиши ҳолатларида КСТЭни ўтказишда шифохона босқичида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни ҳар томонлама баҳолаш 4-жадвалда келтирилган қуйидаги натижаларни аниқлади.

4-жадвал

Касалхона босқичида кўрсатилган тиббий ёрдам нуқсонларнинг МОҲИЯТИ

Нуқсонларнинг моҳияти	ТЭН сони	
	n	%
I. Ташхислаш нуқсонлар		
01 – Акушерлик ва гинекологик патологияни аниқламаслик	30	11,81
02 – Экстрагенитал касалликларни аниқламаслик	6	2,36
03 – Кеч ташхис қўйиш	25	9,84
II. Даволашнинг нуқсонлари		
04 – Шифохонага кеч ётқизиш	11	4,33
05 – Кеч жарроҳлик амалиёти	14	5,51
06 – Туғруқни олиб бориш нуқсони	57	22,44
07 – Жарроҳлик даволашдаги нуқсонлар	12	4,72
08 – Дори воситаларини нотўғри қўллаш	3	1,18
09 – тиббий муолажаларни тайинлаш ва ўтказишдаги камчиликлар	14	5,51
III - Бошқалар		
10 – Диспансер кузатишнинг камчиликлари	0	0,0
11 – тиббий хужжатларни юритишнинг камчиликлари	78	30,71
12 – Транспортировка қоидаларини бузиш	4	1,57
13 - бошқалар	0	0,0
ЖАМИ	254	100,0

Мутлақ кўпчилиқни даволаш нуқсонлари ташкил этди, шу жумладан 254 та нуқсондан 111 таси, бу 43,7% ни ташкил этди. Кўпинча, бу нуқсонлар тиббий муолажаларни тайинлаш ва ўтказишдаги камчиликлар, туғруқни олиб бориш нуқсони ва кеч жарроҳлик амалиёти билан ифодаланган. 24,0% ҳолларда диагностик нуқсонлар аниқланган, улар орасида 9,8% ҳолларда кеч ташхис нуқсонлари, 11,8% ҳолларда акушерлик ва гинекологик патологияни аниқламаслик, 2,4% ҳолатда экстрагенитал касалликларни аниқламаслик қайд этилган. 25 та кузатувда ТЁН туғруқдан кейинги сепсис, преэклампсияни баҳоламаслик, эндометрит, бачадон бўйни тешилиши, туғруқдан кейинги ректовагинал оқма ва икки томонлама пневмониянинг кеч ташхиси шаклида акс этган.

Тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларнинг келиб чиқиши сабабларини таҳлили 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Акушерлик қон кетишида тиббий ёрдам кўрсатишда нуқсонларга олиб келадиган сабаблар

Нуқсонларнинг сабаби	ТЁН сони	
	n	%
I. Субъектив сабаблар		
01 – Тиббиёт ходимининг малакаси етарли эмаслиги	119	43,1
02 – Беморга эътиборсизлик	42	15,2
03 – текширувлардан тўлиқ ўтказилмаган	31	11,2
II. Ташкилий камчиликлар		
04 – Даволаш жараёнини ташкил этишдаги камчиликлар	11	4,0
05 – Ташхислаш воситаларининг йўқлиги	4	1,4
06 – Муолажалар воситаларнинг йўқлиги	18	6,5
07 – Даволашда узлуксизликнинг йўқлиги	20	7,2
III. Объектив сабаблар		
08 – тиббий ёрдамга кеч мурожаат қилиши	12	4,3
09 – тиббий ёрдам кўрсатишдаги объектив қийинчиликлар	15	5,4
IV. Бошқалар		
10 - Бошқа	4	1,4
ЖАМИ	276	100,0

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 69,5% ҳолларда (276 тадан 192 таси) акушерлик қон кетиши учун ТЁНни қабул қилиш сабаблари субъектив сабаблар, яъни шифокорга боғлиқ бўлган сабаблардир. Барча субъектив сабабларнинг 43,1% тиббиёт ходимларининг малакаси етарли эмаслиги билан боғлиқ сабаблардир. 15,2% ҳолларда беморларга эътиборсизлик, 11,2% - текширувлардан тўлиқ ўтказилмаганлиги қайд этилди. 19,2% ҳолларда биз касалхона босқичида ёрдамни ташкил этишдаги нуқсонлар билан боғлиқ сабабларни аниқлади.

ТЁНни қабул қилишнинг объектив сабаблари 9,78% (276 тадан 27 таси) ҳолларда, шу жумладан 4,3% ҳолларда кеч мурожаат қилиш; 5,4% ҳолларда

тиббий ёрдам кўрсатишда объектив қийинчиликлар қайд этилган.

